

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

АХМЕДОВ ДЖАББАРХАН ДЖАМАЛХАНОВИЧ

***THIELAVIOPSIS BASICOLA* НИ ЎРГАНИШ АСОСИДА ҒЎЗАНИНГ
ҚОРА ИЛДИЗ ЧИРИШ КАСАЛЛИГИГА ЧИДАМЛИ СЕЛЕКЦИОН
АШЁЛАР ЯРАТИШ**

06.01.05 – Селекция ва уруғчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2018

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)
Content of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Ахмедов Джаббархан Джамалханович

Thielaviopsis basicola ни ўрганиш асосида ғўзанинг қора илдиз чириш касаллигига чидамли селекцион ашёлар яратиш.....3

Ахмедов Джаббархан Джамалханович

Создание селекционного материала хлопчатника, устойчивого к черной корневой гнили, на базе изучения *Thielaviopsis basicola*.....25

Djabbarkhan Djamalkhanovich Akhmedov

Developing of cotton breeding material resistant to black root rot based the study of *Thielaviopsis basicola*.....47

Эълон килинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....51

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ ИLMИЙ КЕНГАШ

ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИLMИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ

АХМЕДОВ ДЖАББАРХАН ДЖАМАЛХАНОВИЧ

THIELAVIOPSIS BASICOLA НИ ЎРГАНИШ АСОСИДА ҒЎЗАНИНГ
ҚОРА ИЛДИЗ ЧИРИШ КАСАЛЛИГИГА ЧИДАМЛИ СЕЛЕКЦИОН
АШЁЛАР ЯРАТИШ

06.01.05–Селекция ва уруғчилик

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ–2018

Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.DSc/Qx54 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.agrar.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Автономов Виктор Александрович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Нариманов Абдужалил Абдусаматович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим

Ризаева Сафия Мамедовна
биология фанлари доктори, профессор

Хасанов Ботир Ачилович
биология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашнинг «___» _____ 2018 йил соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил 700140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (99895) 260-38-60; e-mail: tuag-info-@edu.uz; Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1 қават анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 700140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй.) Тошкент давлат аграр университети Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Б.А.Сулаймонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., академик.

Я.Х.Юлдашов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, қ.х.ф.н, доцент.

М.М. Адиллов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, қ.х.ф.д.

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёнинг 80 дан ортиқ давлатларида пахта хом ашёси етиштирилиб, ҳар йили 30 млн. гектар майдондан 20 млн. тоннадан ошиқ пахта толаси олинмоқда. Баҳор серёғин ва намлик юқори бўлган баъзи йилларда қора илдиз чириш (*Thielaviopsis basicola*) патогени аксарият ғўза экилган майдонларни зарарлантириб, тола ҳосилдорлигини 10–25% ёки 130–220 минг тоннага камайтиради.¹ Янги ғўза навларини яратишда асосий эътибор нафақат юқори сифатли тола олишга, балки уларнинг тезпишар, ҳосилдор, ҳар хил касалликларга чидамли ва юқори тола миқдорига эга бўлишига қаратилмоқда. Ўзбекистон селекционерлари томонидан яратилаётган аксарият навлар, асосан умумий ва тор генетик тузилишга эга, бу эса кўп жиҳатдан янги асосий касалликларга бардошли навларни яратишга имконият бермайди. Ғўза етиштириш технологияларининг муҳим жиҳатларидан бири уни касалликлардан ҳимоя қилишдир. Суғориладиган дехқончиликда нафақат вертициллёз ва фузариоз вилт каби касалликлар, балки қора илдиз чириш касаллигининг ривожланишига ҳам қулай шароитлар яратилади ҳамда сезиларли даражада ҳосилдорликни ва тола сифатини пасайтиради.

Дунёнинг етакчи давлатларида кўпчилик олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотларда тасдиқланишича, *T. basicola* патогенининг ривожланишига асосан паст ҳарорат ва юқори намлик таъсир кўрсатади. Бугунги кунда Ўзбекистон селекционерларининг олдида турган асосий вазифалардан бири – қора илдиз чириш касаллигига чидамли ғўза навларини яратишда, *T. basicola* билан табиий ва сунъий зарарлантирилган муҳитлардан фойдаланишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегиясининг² 3.3. бўлимида “касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий тупроқ иқлим ва экологик шароитларга мослашган янги навларни яратиш” вазифалари белгилаб берилган. Мустақиллик йилларида ватанимиз олимлари томонидан ҳосилдор, тола чиқими ва сифати юқори бўлган ғўза навлари яратилган бўлсада, ғўзани илдиз чириш касаллигига чидамлилигини ошириш энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

T. basicola га чидамлилик белгиси билан бир қаторда тола узунлиги, чиқими, микронейри, пишиқлиги ҳамда тезпишарлиги ва маҳсулдорликни турлараро ва навлараро дурагайларда ўрганиш, ота-она жуфтликларини оптимал танлаш; юқори чидамлиликка, ўзида юқори тола сифатини мужасамлантирган дурагай комбинациялар, селекцион ашёлар ва янги навларини яратиш имкониятини яратади. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 29 августдаги 395-II-сон “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947–сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар

¹ www.FAO.org

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

стратегияси тўғрисида”ги Фармони хамда мазкур фаолиятга тегишли меъерий–ҳуқуқий ҳужжатлардаги вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқотлар республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф–муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.

Турли касалликларга чидамли бўлган янги селекцион ашёларни яратиш бўйича кенг қамровли илмий изланишлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларда, жумладан Agricultural Research for Development CIRAD (Франция), University of Agricultural Sciences, Central Institute for Cotton Research (Хиндистон), University of California West Side Field Station (АҚШ), China Agricultural University, Cotton Research Center, Shandong Academy of Agricultural Sciences (Хитой)³, Australian Cotton Research Institute (Австралия), Тожикистон қишлоқ хўжалиги институтида, Ўсимликларни химоя қилиш илмий-тадқиқот институтида ва Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий–тадқиқот институтида (Ўзбекистон) олиб борилган.

Бугунги кунда дунёда турли экстремал шароитларга чидамли ғўза навларини яратиш бўйича қатор изланишлар олиб борилган: медузадан яшил протеинни ажратиб, уни ғўза геномига ўтказиш йўли билан вилт касаллигига чидамли селекцион ашёлар яратилган (University of Texas); экстремал омилларга чидамли ғўза навлари яратилган (Agricultural Research Service, Commonwealth Scientific and Industrial Research Organization); ғўзанинг тезпишар, толасининг сифати юқори, сув танқислигига ва фузариум вилтига чидамли навлари яратилган (Agricultural Research for Development–CIRAD, Institute for Cotton Research of China Academy of Agricultural Sciences); айрим навларда маълум қимматли–хўжалик белгиларининг маркерлари сифатида оқсиллар аниқланган (Central Institute for Cotton Research).

Дунёда *G. hirsutum* турига мансуб ғўза навларини яратишда *T. basicola* касаллигига чидамли белгисини юқоридаги патоген билан зарарлантирилган фонда ўрганиш билан бир қаторда тола узунлиги ва чиқими, микронейр, нисбий узилиш кучи, тезпишарлиги ва бир ўсимлик махсулдорлиги – жуфт, турлараро ва навлараро чақиштиришда объектив ва юқори даражада аниқ хамда ишончли ота–она шакллари танлаш; юқори тола сифати ва чидамлиликини ўзида мужассамлаштирган дурагай комбинацияларни, селекцион ашёларини ва экилаётган ғўза турларининг янги навларини яратиш муаммоларини мақсадли ечишга имконият яратади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда ғўза экинида қора илдиз чириш касаллигининг зарарини Тагирова В.А., Каримов Х.М., Расулев У.У. ва бошқалар, Аннаев К., Рипенко В.Н., Усманов А.А., Григорьевский А., Хасанов Б.О., Глухова Л.А., Бабаназаров А., Автономов В.А. ўрганишган. Улар

³ Илмий институтлар шарҳи <http://www.tamu.edu>, <http://http://www.hzau.edu.cn>.

нихолларнинг *T. basicola* билан зарарланишининг асосий омили ҳисобланган баҳорнинг салқин келиши ва тупроқнинг юқори намликда бўлиши кўчатлар сийраклашишига ва пахта ҳосилдорлигини пасайишига олиб келишини исботлаб беришган.

Бугунги кунда республикамизнинг жанубий вилоятларида қора илдиз чириш касаллигини тарқалиш ареали ҳамда унинг патогенининг популяциялари тўғрисида илмий маълумотлар йўқ. Бироқ, шу пайтгача турлараро ва навлараро дурагайларнинг баҳорги ва кузги даврларидаги *T. basicola* га чидамлик, ўзгарувчанлик муаммолари, уларнинг ирсияти, ирсийланишининг генетик қонуниятлари ва бир қатор қимматли-хўжалик белгилари билан боғлиқлик масалалари етарлича ўрганилмаган. Олиб борилаётган тадқиқотлар серҳосил, тезпишар, юқори тола сифати ва миқдорига эга, замонавий ишлаб чиқариш ва тўқимачилик саноати талабларига жавоб берадиган янги ғўза навларини яратиш бўйича долзарб муаммоларни тезкор ечишга қаратилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ГНТП-17.44 «Генерацияларни тезкор репродукциялаш негизида ғўзанинг турлараро ва тур ичи дурагайларини селекцион жараёнини интенсификациялашнинг янги услубини ишлаб чиқиш ва унинг асосида сўрувчи зараркунандалар, асосий замбуруғли ва бактериал касалликларга чидамли навларини яратиш ва патентлаш» (2003–2005 йй.), А-11-001 «Селекция-уруғчилик жараёнини жадаллаштириш технологиясини ишлаб чиқиш, уни асосида ўта тезпишар, маҳсулдор, толасининг сифати ва миқдори, ўзида асосий касалликларга комплекс чидамликни мужассамлаштирган янги ўрта ва ингичка толали навларини яратиш» (2006–2008 йй.) КХА-9-001 «Ќўза навларини тезкор яратиш услубини такомиллаштириш, ғўзанинг *G. hirsutum* L. турига мансуб тезпишарлик, замбуруғ касалликларига чидамли, тола сифати ва миқдори юқори бўлган янги навини яратиш ва уни ДНС га ўрганиш учун топшириш» (2009–2011йй.), КХА-8-001 «*G. hirsutum* L. ғўза турини сўрувчи зараркунандалар (шира, ўргимчаккана) ва касалликларга (вертициллёз вилт, гоммоз) чидамлилигини баҳолашда геном-протеом технологияларини қўллаш, энг яхши тизмали материалнинг молекуляр-генетик паспортини яратиш, биотик омилларга чидамлик, тезпишарлик, пахта ҳосилдорлиги, тола сифати ва чиқимининг юқори кўрсаткичларни ўзида мужассамлаштирган янги навни ўрганиш учун ДНС га топшириш» (2012–2014 йй.), КА-8-001 «Молекуляр биологик усулларида фойдаланган ҳолда жаҳон талабларига мос, юқори нав тозалигини ва қимматли хўжалик белгиларини мужассамлаган *G. hirsutum* L. турига мансуб янги пластик ғўза навларини яратиш» (2015–2017 йй.) илмий лойиҳалари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистоннинг жанубида *T. basicola* касаллиги билан зарарланган ўсимликлардан ажратиб олинган *T. basicola* замбуруғининг юқори патогенли штаммидан сунъий зарарлантирилган фонда турлараро ва навлараро дурагайлаш асосида янги селекцион қимматли бошланғич, дурагай

ва селекцион ашёларни яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида, ўсимликларни 2-4 чинбарг чиқарган ва тўлиқ пишиш даврларида *T. basicola* билан зарарланган ўсимликлар ва тупроқ намуналарини аниқлаш;

T. basicola билан зарарланган поя ва илдизларда микологик таҳлилларни ўтказиш, касалликни қўзғатувчи экинини ажратиб олиш, у билан хўжайин-ўсимликни сунъий зарарлантириш ва уни патогенга чидамлилигини баҳолаш;

T. basicola замбуруғи изолятини патогенлигини лаборатория шароитида баҳолаш ва дастлабки инфекцион ашёларни яратиш;

дала ва лаборатория шароитларида сунъий зарарлантирилган фонларни яратиш;

T. basicola ни кўпайтиришда фойдаланилган озиқа муҳитини баҳолаш;

турлараро ҳамда навлараро F_1 дурагайларида доминантлик коэффициенти (h_p) ва F_2 – F_3 дурагайларида қимматли-хўжалик белгиларининг наслдан-наслга ўтиш коэффициенти (h^2) кўрсаткичларини аниқлаш;

T. basicola патогенига чидамли донорни аниқлаш ва улар асосида тизма ва селекцион ашёлар яратиш;

ғўзанинг маданий турларида *T. basicola* га юқори чидамликка эга, белгилар мажмуининг юқори кўрсаткичларини уйғунлаштирган навлар яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Окдарё-6, Бухоро-6, С-6524, Наманган-77, Омад, С-2609 (*G. hirsutum*), Сурхон-9, Термиз-42 (*G. barbadense*) навларни турлараро ва Наманган-34, Наманган-102, Жарқўрғон, Андижон-35 ва С-6550 навларини навлараро чатиштириш асосида яратилган дурагайлар, селекцион ашёлар ва навлардан фойдаланилган. Андоза навлар сифатида С-6524, Тошкент-6 ва С-6550 (*G. hirsutum*) ғўза навларидан фойдаланилган. Индикатор - нав сифатида 8763-И ғўза нави олинган.

Тадқиқотнинг предмети *T. basicola* патогени, қора илдиз чириш касалликларига чидамли бошланғич ва дурагай ашёлар, оилалар, тизмалар ва навлар, *T. basicola* га чидамликнинг ўзгарувчанлиги, ирсийланиш ва наслдан-наслга берилиши белгиларини ўзаро боғлиқлиги.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқотларида умумий қабул қилинган усуллардан фойдаланиб, фенологик кузатувлар ва лаборатория таҳлиллари ўтказилган: ғўза билан ўтказиладиган дала тажрибалари услуги; дурагай ашёларнинг генетик таҳлиллари услуги; *T. basicola* билан зарарланишнинг микологик таҳлили ва турлараро ва навлараро ғўза дурагайлариининг сунъий зарарлантирилган ва табиий инфекцион фонларда ўтказилди (Каримов Х.М., Хасанов О. ва бошқ., Расулев У.У., Хасанов Б.О. ва бошқ., Rothrock S.), олинган натижаларнинг вариацион статистик таҳлили услуги (Доспехов Б.А.), F_1 да доминантлик белгиси Veil Atkins G.M. формуласи бўйича, F_2 – F_3 да ирсийланиш коэффициенти эса Allard R. M. илмий ишларида келтирилган услубларида таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор *T. basicola* замбуруғининг янада агрессив абориген штаммлари ажратиб олинган, уларнинг патогенлиги аниқланган;

T. basicola нинг ажратиб олинган ва селекцион штаммларидан фойдаланган ҳолда сунъий (лаборатория ва дала шароитида) зарарланган фон яратилган;

G. hirsutum ва *G. barbadense* турларига мансуб ғўза навлари иштирокида яратилган бошланғич ва дурагай ашёларни назорат (табиий) фониди ҳамда *T. basicola* патогени билан сунъий зарарлантирилган фонда баҳоланган;

T. basicola билан зарарланишга юқори чидамли ва қимматли хўжалик белгиларининг юқори кўрсаткичларига эга ўрта ва ингичка толали ғўза навларини дурагайлашга жалб этиш самарали эканлиги аниқланган;

ғўза ўсимлигининг *T. basicola* билан зарарланиш белгисининг ўзгарувчанлиги, ирсийланиши, наслдан-наслга берилиши ва тезпишарлик, ўсимлик маҳсулдорлиги, тола сифати ва миқдори билан боғлиқлигининг айрим генетик қонуниятлари, кам зарарланадиган ота-она намуналарининг тўлиқсиз доминантлик самараси аниқланган;

сунъий фонда ажратилган ва чатиштиришда фойдаланилган, зарланган навлар бошланғич шакллар, юқори чидамликка эга дурагай ва селекцион ашёлар ҳамда қора илдиз чириш касаллигига чидамликни юқори тезпишарлик, ҳосилдорлик ва миқдори тола сифати уйғунлашган янги навларни яратиш самаралиги аниқланган;

сунъий зарарлантирилган фондан фойдаланилган ҳолда *T. basicola* билан кучсиз зарарланган навлар турлараро ва навлараро чатиштириш асосида *T. basicola* касаллигига юқори чидамлиги билан бир қаторда, муҳим хўжалик белгилари мажмуига эга бўлган ғўзанинг дурагайлари, оила, тизма ва навлари яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

T. basicola билан сунъий зарарлантирилган фонда ўтказилган турлараро ва навлараро дурагайлаш асосида *T. basicola* га юқори чидамли, тезпишар, ҳосилдорлиги ҳамда тола сифати ва миқдори юқори бўлган 86, 134, 156, 212, 26, 39, 71, 97, 114, 138, 245, 312, 406 оилалари ва Т-3442, Т-6071, Т-26, Т-97, Т-138, Т-406 тизмалари яратилган. Турлараро дурагайлаш асосида *T. basicola* га юқори чидамликка, тезпишарликка, ҳосилдорликка ҳамда бошқа қимматли-хўжалик белгиларининг юқори кўрсаткичларига эга бўлган янги ўрта толали С-6575 ва мураккаб навлараро дурагайлаш асосида янги ингичка толали Сурхон-104 навлари яратилган. Ушбу навлар Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш Давлат комиссиясида ўрганилмоқда, кенг ишлаб чиқариш синовларидан ўтмоқда ҳамда С-6575 нави патент олинган, Сурхон-104 нави патент олиш учун талабнома берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларнинг замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги ва услубий жиҳатдан тўғри қўйилганлиги, назарий ва амалий натижаларни бир-бирига мослиги, қўйилган дала тажрибалари ва тадқиқотларни юқори ташкилотлар мутахассислари томонидан ижобий баҳоланганлиги, тадқиқот натижаларини вариацион-статистик ишловлардан ўтказилганлиги, *T. basicola* га чидамли дурагай, селекцион ашёлар ва янги ғўза навлари яратилганлиги ва ишлаб чиқариш синовларига берилганлиги, олинган натижаларнинг илмий ва амалий

асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг монография ва мақолаларда чоп этилганлиги, патент олинганлиги, патент олиш учун талабнома берилганлиги ва илмий хулосалар билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ғўзадан *T. basicola* замбуруғининг ўта агрессив штаммлари ажратиб олинганлиги ва зарар етказиши аниқланганлиги, *T. basicola* штаммларидан фойдаланган ҳолда сунъий фон яратилганлиги, *T. basicola* га юқори чидамли бўлган, қимматли-хўжалик белгилари мажмуига эга ўрта ва ингичка толали ғўза навларини дурагайлашга жалб этиш самарадорлиги, кам зарарландиган ота-она шаклининг тўлиқсиз доминантлик самараси аниқлангани, баъзи F₂-F₃ дурагайларида асосий хўжалик белгиларининг юқори генотипик ўзгарувчанлиги юқорилиги аниқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сунъий зарарлантирилган фондан фойдаланган ҳолда турлараро ва навлараро дурагайлаш асосида *T. basicola* га юқори чидамлилиikka эга навлар ажратилганлиги, уларни иштирокида дурагай ва селекцион ашёлар яратилганлиги, ғўзанинг маданий турларида *T. basicola* га юқори чидамликни, тезпишарлик, хосилдорлик, тола сифати ва микдори юқорилиги билан уйғунлаштирган янги навлар яратилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. *Thielaviopsis basicola* ни ўрганиш асосида ғўзанинг қора илдиз чириш касаллигига чидамли селекцион ашёлар яратиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

ғўзанинг С-6575 нави учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг селекция ютуғига патенти олинган (NAP 0019). Натижада ўрта толали С-6575 ғўза нави назорат навига нисбатан гектаридан 14,9 фоиз юқори рентабеллик даражасига эришилган;

сунъий зарарлантирилган дала ва лаборатория фонларида турлараро ва навлараро дурагайлаш асосида янги ўрта толали С-6575 ҳамда ингичка толали Сурхон-104 ғўза навлари яратилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 27 ноябрдаги 02/20-612-сон маълумотномаси). Натижада ушбу янги яратилган ўрта толали С-6575 ва янги ингичка толали Сурхон-104 навлардан гектаридан 7,0 ва 3,8 центнер кўшимча пахта ҳосили олишга эришилган;

турлараро дурагайлаш асосида яратилган янги, қора илдиз чириш касаллигига юқори чидамли, маҳсулдор, тезпишар, юқори тола чикими ва IV тип тола сифатига эга янги ўрта толали С-6575 ғўза нави 2017 йилда Наманган вилояти Уйчи туманида “Қизил-Ровот” янги ғўза навларини дастлабки кўпайтириш элита уруғчилик хўжалигида 3,7 га майдонга жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 27 ноябрдаги 02/20-612-сон маълумотномаси). Бунда ўрта толали С-6575 ғўза навидан гектарига кўшимча 7,0 центнер пахта ҳосили олинган, рентабеллик даражаси 27,2 фоизни ташкил этган;

навлараро дурагайлаш асосида яратилган янги қора илдиз чиришга чидамли янги ингичка толали I^a типга мансуб Сурхон-104 нави 2017 йилда Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани “Жарқўрғон” дастлабки кўпайтириш

элита уруғчилик хўжалигида 2,6 га майдонга жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 27 ноябрдаги 02/20-612-сон маълумотномаси). Натижада ингичка толали Сурхон-104 ғўза навидан гектарига 3,8 центнер кўшимча пахта ҳосил олинган, рентабеллик даражаси 97,8 фоизни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ўтказилган тадқиқот натижалари ва ҳисоботлар ҳар йили ЎзҚХИИЧМ апробация комиссияси томонидан апробациядан ўтказилган ва ижобий баҳоланган, институт услубий ва илмий кенгашларида муҳокама этилган. Олинган илмий натижалар куйидаги илмий конференцияларда: «Биологическая защита растений – основа стабилизации агроэкосистемы» (Краснодар, 2006), «Состояние селекции и семеноводства хлопчатника и перспективы ее развития» (Тошкент, 2006), «Современное состояние селекции и семеноводства хлопчатника, проблемы и пути их решения» (Тошкент, 2007), «Тупроқ унумдорлигини оширишнинг илмий ва амалий асослари» (Тошкент, 2007), «Вавиловские чтения-2008» (Саратов, 2008), «Вавиловские чтения-2009» (Саратов, 2009), «Ғўза генетикаси, селекцияси, уруғчилиги ва бедачилик масалалари тўплами» (Тошкент, 2009), «Ғўзанинг дунёвий хилма-хиллиги генофонди фундаментал ва амалий тадқиқотлар асоси» халқаро илмий анжумани (Тошкент, 2010), «Вавиловские чтения-2010» (Саратов, 2010), «Вавиловские чтения-2015» (Саратов, 2015), Международная научно-практическая интернет-конференция «Современное экологическое состояние природной среды и научно-практические аспекты рационального природопользования» (Россия, 2016), «Приоритетные направления развития современной науки молодых учёных аграриев» (Россия, 2016), «Дала экинлари селекцияси, уруғчилиги ва агротехнологияларининг долзарб йўналишлари» халқаро илмий-амалий конференцияда (Тошкент, 2016) маърузалар қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 36 та илмий иш, жумладан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 17 та мақола, шундан 15 таси республика ва 2 таси хорижий журнал тўпламларида чоп этилган, 5 та мақола республикада ва 13 та мақола хорижий конференцияларда нашр қилинган, 2 та ғўза навига патент олинган ва 1 та ғўза навга патент олиш учун талабнома топширилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, еттита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 196 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилган, диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига мослиги ёритилган, тадқиқот натижаларининг назарий ва

амалий аҳамияти ва ишлаб чиқаришга жорий этилиши кўрсатилган, натижаларининг чоп этилганлиги ҳамда диссертациянинг ҳажми ва таркиби баён этилган.

Диссертациянинг «*T. basicola* ни биологияси, морфологияси, зарарлиги ҳамда ўсимликларни зарарланишини химоя қилиш усуллари ва чоралари» деб номланган биринчи бобида қишлоқ хўжалик экинларининг қора илдиз чириши билан касалланиши масалаларига доир маҳаллий ва хорижий адабиётлар шарҳи батафсил келтирилган. Замбуруғ патогенини аниқлаш, тупроқ намуналарини ўрганиш, морфологияси ва физиологияси, қора илдиз чиришнинг ривожланишига қулай ва ноқулай омилларнинг таъсири, шунингдек спораларнинг тупроқда келиб чиқиши ва экинларнинг *T. basicola* билан зарарланиш сабаблари ёритилган. Кўчатларни зарарланишининг асосий сабаблари, уларни тарқалиш ареали, қора илдиз чириш касаллиги туфайли ҳосил йўқотилиши ва унга қарши кураш чоралари таҳлил қилинган. Турли касалликларга, шу жумладан *T. basicola* га чидамли ғўза навларини яратишда, турлараро ва навлараро дурагайлаш асосий услублардан ҳисобланади. Илгари ўтказилган тадқиқотлар, яъни ишлаб чиқаришга жорий этилган маданийлаштирилган янги ғўза навларининг ўзгарувчанлиги, ирсийланиши ва наслдан-наслга ўтиши атрофлича таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «Тадқиқотларни ўтказиш шароити, объектлари, материал ва усуллари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотларни ўтказиш шароити, объекти, дастлабки материал ва услублари келтирилган.

Диссертациянинг **Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида «Ишлаб чиқариш экин майдонларида ғўзанинг қора илдиз чириш билан зарарланиш мониторинги ва намуналарнинг микологик таҳлили, 2015-2016 йй.»** деб номланган учинчи бобида Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларидаги ишлаб чиқариш майдонларида ғўза экинларини қора илдиз чириш касаллиги билан зарарланиши бўйича мониторинг натижалари келтирилган.

Сурхондарё вилоятининг 3 та туманида 3 тадан фермер хўжаликларида икки йил мобайнида баҳор ва кузда ўтказилган мониторинг натижасида ҚИЧ билан зарарланган ўсимликлардан намуналар олинган. Қашқадарё вилоятининг 4 та туманида биттадан тўрттагача фермер хўжаликларида 2015 йили 316,5 га ва 2016 йили 250,5 га майдонда кузатувлар ўтказилди.

Ўтказилган мониторинг натижасида 38 та намуна олинди, ундан зарарланган 31 та ўсимлик ва 7 та тупроқ намунаси, шундан 20 та ўсимлик ва 5 та тупроқ намунаси Сурхондарё вилоятидан, 11 та ўсимлик ва 2 та тупроқ намунаси Қашқадарё вилоятидан олинди, барча намуналарда *T. basicola* патогени кузатилди.

Ўтказилган мониторинг ва тажриба натижаларидан маълум бўлишича, Сурхондарё вилояти ғўза майдонларида ҚИЧ билан зарарланиш баҳорда 8 дан 15 фоизгача, Қашқадарё вилоятида ҳам баҳорда 8 дан 15 фоизгача, кузда эса 5 дан 9 фоизгача бўлиши аниқланди. Касалланган ўсимликлар мавжуд майдонлар уларнинг ўчоғи эканлиги аниқланди (1-жадвал).

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг фермер хўжаликларидаги ғўза

майдонларида 2015–2016 йилларда ўтказилган мониторинг натижаларида ҚИЧ билан касалланган ўсимликларнинг илдиз тизимининг зарарланиш индекси Rothrock ва бошқ. (2007) ҳисоб шкаласи бўйича баллда баҳоланди.

1-жадвал

2016 йил баҳор ва куз давларида Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг экин майдонларида ҚИЧ билан зарарланган ўсимликлар кўрсаткичлари, %.

№	Вилоят ва туман номлари	Баҳорги текширув муддатлари	Кузги текширув муддатлари	ҚИЧ билан зарарланган дала майдонлари кўрсаткичлари, %	
				баҳор	куз
Сурхондарё вилояти					
1	Жарқўрғон (3 ф/х)	21.05.2016	25.11.2016*	9 - 11	4 – 8
2	Денов (3 ф/х)	20.05.2016	23.11.2016	10 - 15	5 – 7
3	Термиз (3 ф/х)	19.05.2016	24.11.2016*	8 - 10	4 – 5
Қашқадарё вилояти					
1	Шахрисабз (2 ф/х)	26.10.2016*	15, 16, 05.2016	10 - 15	5 – 9
2	Яккабоғ (2 ф/х)	23.10.2016	17, 18, 05.2016	8 - 10	5 – 8
3	Касби (1 ф/х)	24.10.2016	23.05.2016	10 - 12	5 – 7
4	Косон (2 ф/х)	28.*10.2016*	22.05.2016	9 - 11	5 – 8

Илдиз тизимининг зарарланиш индекси Сурхондарё вилоятида 3 баллни, Қашқадарё вилоятининг Шахрисабз туманида 4-5 баллни, қолган фермер хўжаликларида эса, бу кўрсаткич 3 баллни ташкил этди.

Ѓўзанинг униб чиққан ниҳоллари ва ёши катта ўсимликларидан олинган намуналарда ўтказилган микологик таҳлиллар натижаларининг кўрсатишича, уларда *T. basicola*, *Rhizoctonia solani*га мансуб потокомплекс мавжудлиги аниқланди (расм 1, 2, 3, 4, 5, 6).



1 – 2. расм. Сурхондарё вилояти Термиз туманида 2015 йил майнинг 2-декадасида олинган қора илдиз чириши билан зарарланган ғўза ўсимликлари.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида *T. basicola* замбуруғи ажратиб олинди ва тоза штамм кўпайтирилди. Бу *T. basicola* нинг сунъий юктирилган патоген фонини яратиш ва унинг асосида чидамлилиги юқори бўлган дурагай ва селекцион ашёларни ҳамда ғўзанинг янги навларини яратиш имкониятини берди.



3-расм. Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманида 2016 йил май ойининг 2-декадасида олинган қора илдиз чириш билан зарарланган ғўза ўсимликлари.



4-расм. Қашқадарё вилоятининг Шахрисабз туманида 2016 йил май ойининг 2-декадасида олинган қора илдиз чириш билан зарарланган ғўза ўсимликларининг дискларидаги сабзи намунаси.



5, 6-расм. Қора илдиз чириш касаллиги билан зарарланган ўсимликлар (Сурхондарё вилояти, Термиз тумани)



Шахрисабз туманининг учта фермер хўжалигида ушбу кўрсаткичлар 4-5 балл бўлган. Қолган туманларда эса 3 баллни ташкил этган.

Ўзанинг касалланган ўсимликларидаги ўтказувчи тизимида қорайиш йўқлиги Rothrock нинг (2007) *G. hirsutum* ғўзасида *T. basicola* ни томир тўқималарда тўпланиши фақат нематодалар мавжудлигида бўлиши тўғрисидаги маълумоти билан мос келган.

Ўзбекистоннинг жанубида униб чиққан ғўзаларда касалликни асосий *T. basicola*, *Rhizoctonia solani*, *p. Fusarium spp* турлари аниқланган.

Янада вирулент бўлган *T. basicola* штаммлари билан экилаётган ва яратилаётган янги тизма ва навларда скрининги ўтказилиб, мажмуий агротехник, профилактик ва терапевтик тадбирлар ўтказишда қора илдиз чиришдан ҳимоя қилишнинг кимёвий ва биологик воситаларининг самарадорлиги баҳоланди. Мазкур тадқиқотлар жанубий Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари каби Ўзбекистоннинг бошқа пахта етиштирувчи вилоятларида ҳам давом эттирилади.

Диссертациянинг “**Ота-она навлари ва турлараро F₁-F₃ дурагайларида *T. basicola* патогени сунъий зарарлантирилган фонларда “униб чиқиш ва зарарланиш” белгиларининг ўзгарувчанлиги**” деб номланган тўртинчи бобида 2005–2007 йиллар давомида турлараро 12 та F₁ дурагайлари ва *G. hirsutum* ҳамда *G. barbadense* нинг 8 та навларида назорат ва *T. basicola* патогени билан сунъий юктирилган фонларда лаборатория ва дала шароитларида ўзгариши ўрганилди. Индикатор нав сифатида *T. basicola* патогени билан юқори зарарланадиган 8763-И навидан фойдаланилди. Барча ўрганилган навлар, турлараро дурагайлар ва 8763-И навининг касалликка таъсирчанлиги Хитрова А.П. ва Бабаназаров А. томонидан бу шартли равишда тақдим этилган 3 гуруҳга бўлинди:

кам зарарланадиган – чидамлилиги бўйича 8763-И навидан устун;

ўрта зарарланадиган – зарарланиш бўйича 8763 - И навига яқин;

юқори зарарланадиган – таъсирчанлиги бўйича 8763 -И навидан устун.

Олинган натижаларни кўрсатишича, яратилган турлараро дурагайларда фойдаланилган *G. hirsutum* ва *G. barbadense* ғўза навларига мансуб ота-она шаклларида *T. basicola* га мутлақо чидамли (иммунли) намуналар ажралиб чиқмади.

T. basicola кўзғатувчиси тетраплоид *G. hirsutum* ва *G. barbadense* турларини зарарлайди. Ўзанинг *G. barbadense* турига масуб навлари бошланғич ривожланиш давларидаги каби кўсақлар очилиши даврида ҳам зарарланди, *G. hirsutum* навларининг эса ниҳол даврида касалланишга кўпроқ мойиллиги аниқланди.

T. basicola патогени билан сунъий зарарлантирилган фонда лаборатория шароитида олиб борилган тадқиқотларда қуйидаги қизиқарли натижалар олинди. Дастлабки ашёлар ичида С-6524 ва Термиз-42 навлари 100 фоиз унувчанликка эга эканлиги аниқланди. 8763-И нав индикатори 28,3 фоиз, Наманган -77 нави 96,6 фоиз униб чиқишга дурагайда эга бўлиб, бошланғич Омад навида 68,6 фоизни, F₁ Бухоро-6 х Термиз-42 – 80,0 фоизни ташкил этди F₁ дурагайлари ичида С-2609 х Термиз-42 дурагай комбинацияси 100 фоиз унувчанликка эга бўлиб, қолган F₁ дурагайларида чигитнинг унувчанлик белгиси кўрсаткичи 92 дан 98 фоизгача бўлганлиги аниқланди.

Лаборатория шароитида *T. basicola* патогени билан сунъий зарарлантирилган фонда дурагайлашда иштирок этган ғўзанинг ўрта толали С-6524 нави, ингичка толали навлардан Термиз-42 нави яхши бўлиб, уларда “чигитнинг унувчанлиги” белгиси кўрсаткичи 100 фоизга, F₁ дурагайлари ичида “чигитнинг лаборатория унувчанлиги” белгилари кўрсаткичи бўйича Омад х Сурхон-9 ва С 2609 х Термиз-42 дурагай комбинацияларида яхши бўлиб, улардан таҳлил қилинаётган белги тегишли равишда 98 ва 100 фоиз атрофида бўлди.

Лаборатория шароитида *T. basicola* патогени билан сунъий зарарлантирилган фонда ғўзанинг ўрта толали С-6524, С-2609, Окдарё-6 навларида зарарланиш кузатилди ва мос равишда 15,7, 18,4 ва 15,5 фоизга тенг бўлиб, ғўзанинг ингичка толали навлари орасида эса Сурхон-9 – 15 % ва Термиз-42 – 16,6 % зарарланиш қайд этилди. F₁ дурагайлари ичида ниҳолларнинг юқори чидамлилиқ белгиси бўйича Окдарё-6 х Термиз-42 ва Окдарё-6 х Сурхон-9 комбинацияларида аниқланди ва зарарланишнинг кўрсаткичлари мос равишда 8,8 ва 10,2 фоизга тенг бўлди.

Баҳорда далада ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра *T. basicola* патогени сунъий юқтирилган фонда чигитни унувчанлиги 8763-И нав-индикаторида энг паст (42,7%) кўрсаткичга эга бўлди. Навлар ичида белги бўйича ўртача кўрсаткич Термиз-42 навида 70,8 фоизга, Бухоро-6 навида 65,8 фоиз га тенг бўлди. Қолган ота-она навларида ушбу белгининг ўртача кўрсаткичлар 81,1 дан 84,2 фоиз бўлди.

Дала шароитида *T. basicola* билан зарарлантирилган фонда ниҳолларнинг кам зарарланиши *G. hirsutum* турига мансуб Бухоро-6 ва С-6524 ғўза навларида кузатилиб, уларда бу белгининг ўртача кўрсаткичи мос равишда 8,7 ва 9,7 фоиз ни, F₁ дурагайлари ичида эса “чигитнинг дала унувчанлиги” белгиси кўрсаткичи *T. basicola* патогени сунъий юқтирилган фонда F₁ С-6524 х Термиз-42, С -2609 х Термиз-42, Бухоро-6 х Термиз-42 комбинацияларида паст бўлиб, уларнинг ўртача кўрсаткичи тегишли равишда 51,8; 49,7; 51,3 фоизни ташкил этди.

F₁ дурагай комбинацияларида “чигитнинг дала унувчанлиги” белгиси кўрсаткичи *T. basicola* патогени сунъий юқтирилган фонда зарарланиш 56 дан 77,8 фоизгача бўлди. *T. basicola* билан ўсимликларни зарарланиш белгиси кўрсаткичи бўйича *G.hirsutum* турига мансуб Бухоро-6, С-6524, Наманган-77, С-2609 ва Окдарё-6 ғўза навларида камроқ зарарланиш кузатилиб, кўрсаткичлар мутаносиб равишда ўртача 8,7, 9,7, 11,1, 11,4 ва 11,8 фоизни ташкил қилди. Бошқа навларда бу белги кўрсаткичи 12,2 дан 15,2 фоизгача оралиқда бўлди. Бунда 8763-И нав-индикатори 66 фоизга зарарланди. F₁ дурагайлари ичида Омад х Термиз-42 дурагай комбинацияси 7,1 фоиз, С-6524 х Сурхон-9 9,4 фоиз зарарланиб, қолган дурагай комбинациялари 10,7 дан 16,4 фоизгача зарарланди.

T. basicola патогени сунъий юқтирилган фонда дурагайлашда қатнашувчи бошланғич шакллар орасида “чигит унувчанлиги” белгиси бўйича энг яхши кўрсаткичларга С-6524 – 84,2 фоиз, Наманган-77 – 83,6 ва Омад 83,7 фоиз эга бўлди. Тадқиқот натижаларига кўра, *T. basicola* патогени сунъий юқтирилган

фонда дурагайлашда қатнашган бошланғич шакллардан *G. hirsutum* турига мансуб барча ғўза навларини (Бухоро-6 – 8,7 фоиз, С-6524 – 9,7 фоиз, Наманган-77 – 11,1 фоиз, С-2609 – 11,4 ва Оқдарё-6 – 11,8 фоиз), *G. barbadense* турига мансуб навларга нисбатан кам зарарланганлиги аниқланди. F_1 дурагайлари орасида Омад х Термиз-42 (7,1 фоиз) ва С-6524 х Сурхон-9 (9,4 фоиз) комбинациялари энг кам зарарланганлиги қайд этилди.

T. basicola га чидамли ғўза селекциясида муҳим аҳамият чатиштириш учун бирламчи ашёларни танлашга қаратилган.

Тадқиқотларнинг олдида турган асосий вазифалардан бири бу, *T. basicola* билан лаборатория ва дала шароитларида сунъий зарарлантирилган фонларда турлараро F_1 - F_3 дурагайларни “ўсимликларда *T. basicola* билан зарарланиш” белгисини ўзгарувчанлигини ирсияти ва ирсийланишини боғликлигини баъзи-бир қонуниятларини аниқлаш, селекция жараёни эрта даврларида истиқболли бирламчи ашёларни ажратиш ва улар асосида юқори чидамлиликка эга дурагайлар ва селекцион ашёларни яратиш.

T. basicola патогени сунъий юқтирилган фонда дала шароитида бошланғич ашёлар ва F_1 - F_3 дурагайлар бўйича тадқиқотлар маълумоти таҳлил қилинганда, ушбу шароитларда 8763-И индикатор навини *T. basicola* билан зарарланиши 56,7 фоиз даражада, назорат фонидаги зарарланиши эса 31,8 фоиз даражада бўлганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз, бу яратилган инфекция фоннинг юқори самарали эканлигини кўрсатади. Андоза сифатида фойдаланилган Термиз-31 нави дала шароитида *T. basicola* сунъий юқтирилган фонда 43,1 фоиз, аксинча назорат фонида эса 22,8 фоиз даражада зарарланди.

T. basicola патогени сунъий юқтирилган фонда дурагайлашда иштирок этган бошланғич ашёлар таҳлили С-6524 навини энг кам зарарланганлигини (М=15,7 фоиз), қолган ота-она шаклларида кўрсаткичлар 22,1 дан 38 фоиз гача ораликда бўлганлигини кўрсатди. Ушбу ҳолат F_1 ва кейинги дурагай авлодларини чидамлилигини белгилаб берди. “*T. basicola* билан зарарланиш” белгисининг энг паст кўрсаткичлари С-6524 нави иштирок этган С-6524 х Сурхон-9 (М=13,5 фоиз) ва С-6524 х Термиз-42 (М=13,2 фоиз) дурагайларида кузатилди.

Дурагай комбинацияларни доминантлик (h_p) кўрсаткичларини ўрганиш давомида барча ҳолатларда камроқ зарарланадиган ота-она шаклларининг самараси юқорилиги кузатилди. Бунда бешта дурагай комбинацияларда, камроқ зарарланадиган ота-она шаклларининг тўлиқсиз доминантлиги кузатилиб, уларни кўрсаткичи 0,15 дан 0,7 гача бўлди, қолган еттита дурагайларда салбий гетерозис самараси кузатилди ва бунда доминантлик кўрсаткичи h_p 1,1 дан 24,3 гача тенг бўлди, фақатгина Наманган-77 х Термиз-42 дурагайида салбий тўлиқ доминантлик ($h_p = -1$) қайд этилди. Салбий гетерозис самараси кузатилган дурагай комбинацияларнинг иккинчи авлодида *T. basicola* га юқори чидамли алоҳида ўсимликларни, ва учинчи авлодда эса айрим оилаларни ажралиб чиқиши мумкинлиги аниқланди.

T. basicola сунъий юқтирилган фонда, дала шароитида, F_3 дурагайларида ўрганилган белгининг ўрта ва юқори даражада бўлиши, уларнинг ирсийланиш коэффициенти кўрсаткичлари (h^2) эса 0,53 дан 0,77 гача оралиғида бўлди, бу

белгининг ўрта ёки юқори даражада наслдан-наслга ўтишини кўрсатади. Шундай экан, тадқиқотчида тузилган ўзгарувчанлик қаторидан фойдаланиб, қаторнинг чап тарафида жойлашган F_3 дурагайлар орасидан “чидамлилик” белгиси генетик жиҳатдан юқори таъминланган оилаларни танлаб олиш имконияти мавжуд.

Дурагайлашда қатнашган ва ўрганилган бошланғич шакллар ичида ўсимликларни *T. basicola* га чидамлилиги белгиси С-6524 навида юқори кўрсаткичларга эга бўлиб, ушбу нав иштирок этган F_1 дурагайларда чидамлилик юқори бўлди.

Ўтказилган тадқиқотлар таҳлили натижасида, F_1 дурагайларидан бештасида юқори кўрсаткичга эга ота-онанинг тўлиқ бўлмаган доминантлиги қолган еттитасида салбий ўта доминантлик самараси кузатилди, бу ҳолат селекция жараёнида касалликка чидамли дурагайларни танлашда муҳим аҳамиятга эга.

Дурагай комбинациялар учинчи авлодининг вариацион қаторларини таҳлилидан маълум бўлишича, уларни ичида *T. basicola* га чидамлилиги юқори бўлган алоҳида оилалар ажралиб чиқади, оила ўсимликларида *T. basicola* га чидамлилиги белгиси бўйича эса F_3 да наслдан-наслга ўтиш ҳар иккала фонда ҳам ўртача ва юқори даражада эканлиги маълум бўлди.

Дала шароитида *T. basicola* юқтирилган фонда ғўзанинг *G. hirsutum* турига мансуб дастлабки шакллари ичида С-6524 навлари юқори чидамлиликка эга бўлиб, уларда «ўсимликларни *T. basicola* билан зарарланиш» белгиси мос равишда 13,5 фоиз бўлди. Ингичка толали ғўза навлари орасида эса ўсимликларни *T. basicola* билан зарарланиш белгиси кўрсаткичи Сурхон-9 навида паст даражада бўлиб, унинг ўртача миқдори 14,3 фоиз бўлди.

Тадқиқотлардан олинган натижалар таҳлил қилинганда *T. basicola* билан юқтирилган фонда зарарланган ўсимликлар ғўзанинг 8763-И нав-индикаторида ўртача 36% Термиз-31 стандарт нави эса 23,5 фоиз зарарланган бўлиб, бу яратилган сунъий фоннинг юқори рентабелликка эга эканлигини кўрсатди.

Дастлабки навларни *T. basicola* юқтирилган фонда ўзини тутиши F_1 дурагай комбинацияларида ҳам намоён бўлди. Селекция нуқтаи назаридан, кам зарарланиши бўйича қуйидаги дурагайлар ажралиб туради: С-6524 х Сурхон-9 да $M=13,5$, Наманган-77 х Сурхон-9 да $M=13,9$, Омад х Сурхон-9 да $M=13,1$ ва С-2609 х Сурхон-9 да $M=12,9$ фоизни ташкил қилди.

Шундай қилиб, аниқланган доминантлик кўрсаткичларини чуқур таҳлили асосида битта дурагайда кўп зарарланадиган ота-онанинг тўлиқсиз доминантлиги, учта дурагайларда кам зарарланадиган ота-онанинг тўлиқсиз доминантлиги, битта дурагайда кам зарарланадиган ота-онанинг тўлиқ доминантлиги, бешта ҳолатда салбий гетерозис ва учта дурагайларда ижобий гетерозис самараси қайд этилганлигини таъкидлаш мумкин.

Диссертациянинг “*T. basicola*” га чидамлилик белгисининг қимматли хўжалик белгилари билан боғлиқлиги” деб номланган бешинчи бобида “*T. basicola* га чидамлилик” белгисининг қимматли хўжалик белгилари билан корреляцион боғлиқлиги кўрсаткичлари таҳлил этилган бўлиб “*T. basicola* га чидамли” белгиси билан “тола узунлиги” ўртасида дурагай комбинациялар

ўртасида кучсиз, ўртача ва юқори даражадаги боғлиқлик борлиги аниқланиб, уларнинг кўрсаткичи 0,24-0,71 оралиғида бўлди. Демак, *T. basicola* га чидамли F₃ оилаларининг, “узун толали” ўсимликлари ажралиб чиқишига олиб келиши мумкин.

Тадқиқотлардан олинган натижалар тахлили, ўсимликларни “*T. basicola*” га чидамлилиги ва “тола чиқими” ўртасида ишончли боғлиқликлар йўқлигини кўрсатди. Бунда ижобий ва салбий корреляциялар тенденцияси борлигини кузатиш мумкин. Аҳамиятсиз ижобий ва салбий корреляциялар F₃ Наманган-77 х Термиз-42 (r=0,31) ва F₃ Наманган-77 х Сурхон-9 (r=0,31) комбинацияларида аниқланди.

“*T. basicola* га чидамлилик” ва “бир ўсимликдаги пахта вазни” ҳамда “бир ўсимликдаги кўсақлар сони” белгилари ўртасида ишончли корреляцион боғлиқликлар йўқлигини кўрсатди. Шундай бўлсада, ушбу белгилар ўртасида ижобий боғлиқлик тенденцияси борлигини айтиш мумкин. Биринчи жуфтлик белгиларининг мойиллик корреляция кўрсаткичлари 0,03–0,09, иккинчи жуфтлик белгилари ўртасида эса 0,09-0,27 оралиғида бўлди.

“*T. basicola* га чидамлилик” белгисининг “бир ўсимлик маҳсулдорлиги” белгиси билан боғлиқлиги кучсиз ва ўрта ижобий эканлиги қайд этилди. Белгилар ўртасидаги бундай боғлиқликлар иккинчи авлоддан бошлаб *T. basicola* га юқори чидамли, “тола узунлиги” ва “бир ўсимлик маҳсулдорлиги” юқори оилаларни танлаб олиш имконияти борлигини кўрсатади. Бунда селекция нуқтаи назаридан ўрганилган жуфт корреляциялар бўйича корреляцион катакнинг юқори ўнг тарафида жойлашган F₃ оилалари алоҳида қизиқиш аниқланди. “*T. basicola* га чидамлилик” белгисининг “бир дона кўсақдаги пахта вазни”, шунингдек, “бир ўсимлик маҳсулдорлиги” белгилари ўртасидаги ижобий боғлиқлик F₃C-6524 х Термиз-42, Наманган-77 х Сурхон-9, Наманган-77 х Термиз-42, Омад х Термиз-42, С-2009 х Термиз-42, Бухоро-6 х Термиз-42 ва Оқдарё-6 х Сурхон-9 комбинацияларида кузатилди. Умуман олганда, ушбу белгилар ўртасида ўртача ижобий боғлиқлик борлиги кузатилди.

Диссертациянинг “**Ўғзанинг навлараро дурагайларида қимматли хўжалик белгиларининг *T. basicola* фониди ирсийланиши ва наслдан-наслга берилиши (2014–2017 й.й.)**” деб номланган олтинчи боби *T. basicola* билан сунъий зарарлантирилган фонда навлараро дурагайларда баъзи–бир генетик қонуниятларининг белгиларини ирсийланиши, ирсият, наслдан-наслга ўтиш ва ўзгарувчанлигини аниқлашга бағишланган.

Лаборатория шароитида *T. basicola* билан сунъий зарарлантирилган фонда бошланғич ашёлар орасида Наманган-102 нави “уруғларни лаборатория унувчанлиги” бўйича 100 фоизлик кўрсаткичга, 8763-И индикатор нави 24%, Наманган-34 нави 97 фоиз унувчанликка эга бўлди. Бошланғич навлар ичида энг паст унувчанликни С-6550 нави (79,0 фоиз) кўрсатиб, F₁ дурагайлари орасида 99 ва 100 фоиз унувчанликка мос равишда Наманган-34 х Наманган-102 ва Наманган-102 х Наманган-34 дурагай комбинациялари эга бўлди. Энг паст унувчанлик Андижон-35 х С-6550 дурагай комбинациясида кузатилиб, қолган F₁ дурагайларда эса белгининг кўрсаткичлари 77 дан 97 фоизгача даражада бўлди. Доминантлик кўрсаткичи (hp) бўйича F₁ Наманган-102 х

Андижон-35, F₁ Андижон-35 х Наманган-34, F₁ Андижон-35 х С-6550, F₁ Жарқўрғон х Андижон-35 ва F₁ С-6550 х Жарқўрғон дурагай комбинацияларида салбий тўлиқ ўта устунлик самараси кузатилиб, қолган F₁ дурагайларда эса ижобий ёки салбий паст, ўрта ёки юқори тўлиқсиз доминантлик ва гетерозис самараси қайд этилди.

“*T. basicola* билан зарарланиш” бўйича ўрганилган навлар ичида энг паст кўрсаткич Наманган-102 навида аниқланиб, унинг ўртача кўрсаткичи 9,3% ни ташкил этди, андоза Наманган-34 ва қолган ота-она навлари ҳамда С-6550, С-4727, Тошкент-6, С-6524, Андижон-35 ва Жарқўрғон навларда белгининг ўртача кўрсаткичи мос равишда 15,2, 16,0, 16,9, 17,2, 18,3, 18,6 ва 21,0 фоизни ташкил этди. Бунда индикатор 8763-И нави 58 фоиз даражада зарарланди. F₁ дурагайлар орасидан эса юқори чидамликлар қаторига Наманган-102 х Наманган-34 (10,4 фоиз), С-6550 х Наманган-102 (11,0 фоиз), С-6550 х Наманган-34 (13,0 фоиз), Наманган-102 х С-6550 (13,9 фоиз), Жарқўрғон х Наманган-102 (14,7 фоиз), Наманган-34 х Наманган-102 (15,0 фоиз) ва С-6550 х Андижон-35 (15,7 фоиз) комбинациялари киритилиб, қолган дурагайларда ўрганилаётган белги катталиклари 16,3 дан 25,6 фоизгача бўлган ораликдан жой олди.

Доминантлик кўрсаткичлари (hp) бўйича тўртта F₁ дурагайларида паст ва ўрта салбий тўлиқсиз доминантлик самараси, етти холатларда ўрта ва юқори даражадаги тўлиқсиз доминантлик самараси, учта холатда салбий тўлиқ ўта устунлик самараси ва тўртта холатда гетерозис самараси қайд этилди.

T. basicola билан зарарлантирилган фонда, “катта ёшдаги ўсимликларни зарарланиши” белгиси дала шароитида 8763-И индикатор навида 34,9 фоиз бўлган бўлса, назорат фонида 15,5 фоизни ташкил этиб, бу эса яратилган сунъий фоннинг юқори самарага эга эканлигини билдиради.

“*T. basicola* билан зарарлантирилган фонда катта ўсимликларни зарарланиши” белгисининг энг кичик ўртача кўрсаткичи F₁ Наманган-102 х Наманган-34 (15,95%) дурагайида қайд этилди, қолган F₁-F₃ дурагайларида ушбу кўрсаткич 17,45 дан 27,55 фоизгача бўлган оралиқдан жой олди.

